




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 57 (9.096)

1998 йил

18 май, душанба

Сотувда эркин нархда

Хабарингиз борми?

Биродарлашган
шаҳарлар дустлиги

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳоки-
мининг биринчи ўрин-
босари Аҳмад Миржа-
лилов бошчилигидаги
республика пойтахти
ҳокимлигининг делега-
цияси биродарлашган
шаҳарлар алоқалари
доирасида Хитой Халқ
Республикасининг
Шанхай шаҳрида бўл-
ди.

Тошкентлик меҳмон-
лар Шанхай мэриясида
қабул қилиндилар, уш-

БУГУНГИ КУН
НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

15 май куни Президент ҳузуридаги Миллий хавф-
сизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Дав-
латимиз раҳбари, Миллий хавфсизлик кенгашининг раи-
си Ислам Каримов бошқарган ушбу йиғилишда ташқи
сиёсий фаолиятнинг долзарб масалалари, мамлакат Ку-
ролли кучлари қурилиши дастурининг бажарилиши қан-
дай бораётганлиги кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси
Ер кодексини, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширак
ҳўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер ҳўжалиги тўғриси-
да»ги, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-
публикаси қонунларини ҳаётга татбиқ этиш чора-тад-
бирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Унга мувофиқ уш-
бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ меъё-
рий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни амалда
бажарилишини таъминлаш бўйича республика комис-
сияси тасдиқланди.

Хитойдан юртига қайтаётган Болгария Президенти
Пётр Стоянов 15 майда Тошкентда тўхтаб ўтди. Уни
Бош вазир Ўткир Султонов қаршилади. Болгария Пре-
зиденти Темурийлар тарихи давлат музейида бўлгани-
дан сўнг ватанига жўнаб кетди.

Ташқи ишлар вазирлигининг 15 май куни эълон
қилинган баёнотида Хиндистонда турқум ер ости си-
новлари ўтказилгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда
чўқур ҳавотир ва ташвиш билан қўтиб олинганлиги, Ўз-
бекистон Хиндистоннинг ядро синовини ўтказишини қо-
ралаб, дунёда ядро қуроли тарқатилишига қатъиян қар-
ши эканлиги билдирилди. Ўзбекистон Республикаси ҳу-
кумати Хиндистонни ядро қуролини тарқатмаслик ва
ядро синовларини бутунлай тўхтатиш тўғрисидаги ша-
ртномаларга тезроқ қўшилиш чораларини қўришга даъ-
ват этди.

Ўзбекистон прокуратурасида бўлиб ўтган респуб-
лика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар мувофиқлаш-
тирувчи кенгашининг мажлисида фуқароларнинг кон-
ституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан
қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилиниши бил-
лан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Наманган вилоятининг Поп туманида ташкил этил-
ган «Поп-Фен» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида
ўрнатилган машина-ускуналарини созлашга киришил-
ди. Келгуси ойда ишга тушиши мўлжалланаётган ушбу
корхонада йилга 5400 тонна пахта толаси қайта иш-
ланиб, тайёрланган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қи-
линади.

Тошкентда қишлоқда бозор ислохотларининг асо-
сий йўналишлари ва инфратузилмани ривожлантириш
мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда
республикаимиз мутахассислари билан бир қаторда Ир-
ландия ва Буюк Британия вакиллари ҳам иштирок эт-
дилар.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

ЖАХОНДА

Кеча Англиянинг Бирмингем шаҳрида Фарбнинг та-
раққий этган 7 давлати ва Россия раҳбарларининг олий
даражадаги учрашуви низоҳасига етди. Унда қабул қи-
линган яқунловчи ҳужжатда иқтисодий ва молиявий
муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда ядро хавф-
сизлигини таъминлаш, ушуган жиноятчиликка қарши
биргаликда кураш олиб бориш ва бошқа энг долзарб
масалалар ўз аксини топди.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Па-
рижга келди. Бугун бу ерда Тожикистонга молиявий
ёрдам қўрсатадиган мамлакатларнинг иккинчи халқаро
учрашуви иш бошланди.

МДХ тинчликни сақлаш кучларининг Тожикистонда
бўлиш мuddати яна ярим йилга узайтирилди.
Хитой Олмаотада Хитой, Россия, Қозоғистон, Қир-
ғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг учинчи
учрашуви ўтказиш ташаббусини ёқлаб чиқди.

Кеча Красноярск ўлкаси губернатори лавозими учун
ўтказилган сайловларнинг иккинчи босқичида дастлаб-
ки маълумотларга қўра Россия Хавфсизлик кенгаши-
нинг собик қотиби генерал Александр Лебед ишонарли
ғалаба қозонган. У сайловда иштирок этганларнинг тах-
минан 57 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.

Кемероводаги Анжер-Судженск қонининг узок му-
ддатдан бери машалларни ололмаётган шахтёрлари мана
тўрт кундан буён Транссибир темир йўл магистрални
беркийтиб қўйиб, поездлар қатновини тўхтатиб қўйди-
лар. Бугун эса Ростов қончилари Шимолий Кавказ те-
мир йўлида поездлар қатновини тўхтатиб қўйишга қа-
рор қилдилар.

Индонезияда молиявий танглик ва нарх-наволар кес-
кин омиши туфайли студентлар ғалаёнларидан бошланган
оммавий тартибсизликлар натижасида қамиди 500 нафар
одам ҳалок бўлган, деб ҳисобланмоқда. Президент Суҳар-
то ғалаён қўтарганлар талаби остида Халқаро валюта фон-
ди тавсияси билан энергия манбалари нархини ошириш
тўғрисидаги ўзининг аввалги фармойишини бекор қилди,
шунингдек ҳукуматда тегишли ўзгаришлар қилди. Суҳар-
тога содиқ ҳарбийлар ҳозирги пайтда мамлакатдаги ва-
зиятни тула назорат қилиб турганликларини айтмоқдалар.
Шунга қарамай Индонезиядан чет элликларни оммавий
олиб чиқиб кетиш давом этмоқда.

Францияда Европа Иттифоқига аъзо 11 мамлакат-
да 2002 йилда муомалага киритиладиган Европа ягона
валютаси тангалари — 1, 2, 5, 10, 20, 50 цент ҳамда 1
ва 2 евроларнинг дастлабки туркуми зарб этилди.

Хитой мамлакатни компьютерлаштириш суръати
бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. 1997 йил-
да мамлакатда 3,5 миллионга, бир йил аввалгидан
деярли икки баравар кўп шахсий компьютер сотилди.
Бу йил компьютерлар сотиш қамиди яна 50 фоизга
ортиши мўлжалланмоқда.

Кеча Швейцарияда шайбали хоккей бўйича жаҳон
биринчилиги низоҳасига етди. Финалда икки учрашувда
Швеция хоккейчилари томонидан Финляндия миллий
терма командаси дарбозасига киритилган ягона шайба
(1:0, 0:0) уларга еттичи мартаба жаҳон чемпиони ун-
воини қўлга киритиш имконини берди. Швейцария жа-
моасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Чехия хок-
кейчилари жаҳон биринчилигида учинчи ўринни олди-
лар.

ОБУНА — ЙИЛ БУЙИ

Маълумки, ҳар ойнинг
ўнинчи кунига қадар Сиз
«Тошкент оқшомини» ёзи-
лишингиз ва уни шундан
кейинги ойдан бошлаб
олишингиз мумкин. Де-
мак, «Оқшом»ни йилнинг
иккинчи ярми давомида
олиш иштиёқда бўлсан-
гиз, Сиз унга обунани 10
июнга қадар расмийлаш-
тиришингиз керак.


Яна шунинг ҳам эслатиб
ўтмоқчимизки, «Тошкент
оқшомини» газетаси чакана
савдога жуда ҳам чеклан-
ган миқдорда чиқарилади.
Унинг обуна нархлари
Тошкент шаҳрида яшовчи-
лар учун қуйидагича:

Абонент кутисига	Ҳафтасига	Ҳафтасига
• 1 ойга — 129 сўм	• 1 ойга — 168 сўм	
• 3 ойга — 387 сўм	• 3 ойга — 504 сўм	
• 6 ойга — 774 сўм	• 6 ойга — 1008 сўм	

НАШР ИНДЕКСИ — 209.

ХАЛҚАРО САВДО ЯРМАРКАСИ МАРКАЗИ

ёки «Алпомиш» спорт саройининг янги жамоли



Пойтахтимиз
кундан-кунга ўзга-
ча қиёфа кашф
этиб борар экан,
албатта, бу бора-
да тажрибали ва
ишланувчан
меъморларимиз-
нинг ҳам ҳиссала-
рини алоҳида
таъкидлаш лозим.
Ана шундай
меъморлардан би-
ри Тошкент шаҳар
лойиҳалаштириш
ва қайта қуриш
институтининг 1-уста-
хонаси раҳбари
Яшин Қодиров-
дир. Биз бу
меъморнинг бугун-
ги ишлари —
шаҳримизнинг Бе-
руний кўчасида
жойлашган «Алпо-
миш» спорт са-
ройининг келажак-
даги қиёфаси қан-
дай бўлиши ҳақи-
да қизиқдик ва
қуйидаги маълум-
отларни олдик.

Ҳозирги пайтда айрим фир-
маларга ижарага бериб
қўйилган бу иншоот «Ўзулгу-
жиржасавдо» ҳиссдорлик
уюшмаси, бюртмачи кўра
қайтадан лойиҳалаштирилмоқ-
да. Энди унинг номи ҳам
«Халқаро савдо ярмаркаси
маркази» деб юритилади.

Бюртмага кўра яратилган
лойиҳада шу нарсалар кўзда
тутилганки, энди бу бинода
Ватанимизнинг илм-фан ва
ишлаб чиқаришда эришаётган
ютуқлари намойиш этилади,
тадбиркор ва ишбилармонлар
иш юзасидан чет эллик ҳам-
корлар билан шартномалар
имзолайди. Шу билан бирга
республикаимизда ҳамда чет
элда ишлаб чиқарилаётган,
аҳоли талаб ва эҳтиёжларига
мос маҳсулотлар ҳақида зуд-
лик билан аниқ ахборотлар
олиш учун бу ерда барча им-
кониятлар яратилади.

Авалло бинонинг ташқи кў-
риниши ҳусусида тўхталсак.
Иншоот ўзига хос кўринишга
эга ҳолда, унинг икки тара-
фига устунлар ўрнатилиб, то-
ми ҳам шунга мослаштирила-
ди. Бунда Шарқ меъморчили-
к анъаналари ҳамда бугунги
шаҳарсозлик ютуқлари уйғун-
лашиб кетади. Бино ойнава-
нд девор билан қопланади.
Шунингдек, иншоотнинг ёни-
га ва кичик бинонинг олди-
га ҳам 2 та устки қисми ёпиқ
очиқ турдаги павильонлар ку-
рилиши кўзда тутилмоқда.
Катта ва кичик бинонинг том-
лари ҳам ўзига хос кўриниш-

га эга бўлади. Иншоот атрофи
эса кўкаламзорлаштирилиб,
манзарали дарахтлар ва гуллар
ҳовлига кўрк бахш этади. Би-
нога қираверишда икки тараф-
да доимо байроқлар ҳилпираб
туради.

Энди бинонинг ички қисмига
келсак аввало бу ерда 2 та —
умумий майдонлари 4600 квад-
рат метрли ҳамда 2600 квадрат
метрдан иборат кўргазма зал-
лари бўлади. Аввалги томоша-
бинлар ўриндиқлари олиб таш-
ланиб, ҳар бир кўргазма залига
ташкilot ва корхоналар учун
иш юзасидан чет эллик ҳам-
корлар билан шартномалар
имзолайди. Шу билан бирга
республикаимизда ҳамда чет
элда ишлаб чиқарилаётган,
аҳоли талаб ва эҳтиёжларига
мос маҳсулотлар ҳақида зуд-
лик билан аниқ ахборотлар
олиш учун бу ерда барча им-
кониятлар яратилади.

Фойе эса чиройли кўриниш

касб этиб, унинг 4 бурчагида
ҳам қаҳвахона хизмат кўрсата-
ди, бинонинг ертўласида эса
200-400 одамга юксак савияда
хизмат кўрсатувчи ресторан бў-
лади. Ҳар бир хизмат кўрсатиш
хонаси ўзига мос руҳда беа-
лашчиликни, фойеда шунингдек,
катнашчиларни рўйхатга олиш,
маълумот бериш, ҳуқуқий, но-
тариал хизмат хоналари жойла-
шади.

Бинода катнашчиларга сер-
вис хизматлари энг аъло дара-
жада кўрсатилиши мўлжаллан-
моқда. Албатта, бу лойиҳада ўз
аксини топган. Катнашчилар
тиббиёт хонаси, самолёт чип-
талари ҳамда темир йўл чипта-
лари сотиш хоналари, алоқа,
сартарошхона, валюта алмаш-
тириш пункти, божхона хизмат-
ларидан фойдаланиб, ўз қим-

матли вақтларини тежашлари
мумкин бўлади. Шунингдек, бу
ерда банк филиали, мажлис-
лар зали, совғалар магазинла-
ри ҳам бўлиши мўлжалланган.

Марказ нафақат ўзининг
ташқи чиройи билан, балки за-
монавийлиги ва бошқа давлат-
лар билан ҳамкорлик қилишда
асосий бўлган вазифасини ба-
жариши билан одамлар кўн-
жа завқ улашади. Маъму-
ишга тушган ҳар ойда тематик
ҳамда миллий халқаро ярмар-
калар, шу билан бирга мавсу-
мий, яъни қишлоқ ҳўжалиги яр-
маркалари ўтказиш, экспортга
чиқариладиган маҳсулотлар
кўргазмаси ҳам ташкил этила-
ди. Шу билан бирга марказ-
нинг ташкил этилиши мамла-
катимиз товар ишлаб чиқарув-
чилари ва тадбиркорлари учун
катта халқаро кўргазмаларда
ҳам иштирок этиш учун кенг
йўл очади. Бинода чет эллик
ҳамкорлар билан музокаралар
олиб бориш учун ҳам алоҳида
зал мавжуд бўлади.

Ушбу лойиҳа асосида ин-
шоот чизмасини Анатолий Коб-
зев яратган. Ҳадемай бинони
қайта қуриш ишлари бошлаб
йўборилади ҳамда пойтахтимиз
жамоли яна бир замонавий ва
шарқона меъморчилик иншо-
оти билан бойийди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТЛАРДА: «Халқаро сав-
до ярмаркаси маркази» бино-
си шундай кўринишда бўлади;
қўшимча бино ва павильонлар
иншоотни янада тўлдирди.

Рустам Шарипов
олган суратлар.

Шаҳримизда ўтган
йили тўққиз қаватли
уйнинг зилзилабар-
дошлиги тажрибада
синаб кўрилганди.
Энди эса уйларни
киш қўнлари иси-
тишда қуёш энер-
гиясидан фойдала-
ниладиган бино таж-
риба тариқасида
барпо этилмоқда.

Миробод туманидаги Че-
хов кўчасида қад ростлаёт-
ган 10 та уйнинг бири таж-
риба учун қурилди. Бунёд-
корлик ишларини «Сифат-
қурилиш акционерлик жа-
миятига қарашли бир неча
қурилиш бошқармалари
олиб бормоқда. Тажриба
учун қурилган 30-уйда тик-
лаш ишлари тугалланиб,
пардозлаш ишлари кетмок-
да. Пардозлаш трестинин-
г 77-қурилиш бошқарма-
си иш юритишчи Асатулла
Рустамов билан суҳбат-
лашганимизда, у қуйидаги-

ларни гапириб берди:

— Тажриба сино уйлар ҳа-
қида кўп эшитилган. Лекин
ўзимиз ишлаганимиз. Бу
уйнинг қурилиши ҳам, пардо-
зи ҳам, лойиҳаси ҳам ўзгача.
У 16 квартирага мўлжаллан-
ган, 3—4 хонали бўлиб, жуда

ни тушуниб етдик. Бюртма-
чилардан талаб биз кутган-
диган ҳам зиёда бўлмақда.
Тажрибадан ҳам шунга яраша
бўлаётми. Биргина мана шу
уйда 20 нафар ишчи ишляя-
пти. Оляя Темировна, Анвар Аҳ-
медзяновлар бошчилигидаги

Қурилиш

УЙ ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИСТИЛАДИ

кенг. Лойиҳани Тошкент шаҳар
лойиҳалаштириш ва қайта қу-
риш институтининг таъйинлаган.
Уйнинг бюртмачилари «То-
шўйжойқурилишбанк» дир.
Асосий тиклаш ишлари тугал-
лангач, биз пардозлашни фев-
раль ойидан бошладик. Иш
бошлашимиз арафасида уйни-
нг тажриба-синов тариқасида
қурилганлигини эшитиб, иш
янада масъулиятли эканлиги-

суюқчилар ҳамда Юрий Спир-
ваков етакчилигидаги дурад-
голлар бригадалари сифатли
пардоз ишларини олиб бо-
ришмоқда. Бу уй май ойида
эгаларига топширилади. Шу-
нинг учун ишларимиз анча жа-
даллашган. Айтиш керак ром
ва ойналар ўрнатилиб бўлин-
ди. Ромлар тайёр ҳолда ойна-
си билан Сергелидаги «Қуёш-
дан ҳимояланмиш» акционерлик

Гулзода МАМБЕТОВА.

Футбол

«ПАХТАКОР» ЯНА ПЕШҚАДАМ

Кеча

пойтахтимиздаги марказий
«Пахтакор» стадионда «Пахта-
кор» ва Тошкент айлотиининг
«Дўстлик» жамоалари ўртасида
ўнинчи тур ўйинларидан бири
бўлиб ўтди.

Пахтакорчилар ўйиннинг да-
стлабки дақиқалариданоқ та-
шаббусни ўз кўлларига олиб
ҳужумга зўр бера бошлади.
«Дўстлик» дарвозасига тепил-
ган тўплар гоҳ устун ёнидан
ўтиб кетар, гоҳ дарвозабон кат-
та қийинчилик билан уни қайта-
риб қоларди. Миржалонинг
бунрак тўплари ҳам меҳмонлар
дарвозасига катта хавф солди.
Бунда фақат бахтли тасодиқ
туфайлигина тўп киритилмай
қолди.

Нихот Д. Назаров дарвоза-
бон билан яқмама яқка чиқиб
биринчи тўпни йўллади. Шун-
дан сўнг меҳмонлар кетма-кет
ҳужум уюштира бошладилар.

Иккинчи бўлимда яна пахта-
корчилар шиддат билан ҳужум-
га ўта бошладилар. Аммо улар

нинг кўпчилик ҳаракатлари зое
кетди.

Учрашувда Д. Назаров яна
бор «Дўстлик» дарвозабо-
ни билан яқмама яқка чиқиб ҳи-
собни 2:0 га етказди. Сўнг «Дў-
стлик» футболчилари пойтахт-
ликларнинг хотиржамликка бе-
риганларидан фойдаланиб ҳи-
собни қисқартиришга муваффақ
бўлишди. Бу ҳисоб ўйин охири-
гача сақланиб қолди. «Пахтакор»
яна биринчи ўринга чиқиб ол-
ди.

Бекободда эса маҳаллий
«Металлург» жамоаси пешқадам
— «Сўғдиёна»ни 3:1 ҳисобида
мағлубиятга учратди.

Қўлган ўйинларда қуйида-
ги натижалар қайд этилди: «За-
рафшон» — «Бухоро» — 4:1, «На-
фас» — «Трактор» — 5:0, «Ко-
сонсой» — «Темирйўлчи» — 2:0,
«Хоразм» — «Сурхон» — 0:0.

Бугун

МХСК — «Нефчи» ва
«Навбахор» — «Андижон» ўйи-
лари бўлиб ўтади.
Нуриддин ИСМОИЛОВ.

Ўтиш даври кийинчиликлари тадбиркорлик билан энгиб, фойда орқасидан қуваётган истиқболли корхоналар ҳам қўллаб-қўллабди. Шундайлар жумласига «Ўзбеккабель» давлат хиссасдорлик жамиятини киритиш мумкин.

Бу корхона фақат буюртма бўйича ишлайди. Шунинг учун унинг омборхоналарида биронта турли қолган маҳсулотни учратмайсиз. 2 минг турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхона, бир неча йилдан бери республикамизнинг кабель маҳсулотига бўлган талабнинг 70 фоизи даражасида қоплашдек катта бир маҳсулотни ишонч билан оқлаб келмоқда. Бундай муваффақиятнинг асосий омилли корхонанинг техникавий қуввати йил сайин ортиб бораётганидир. Жамият ишчи ва хизматчиларининг фикри ҳам бундан

Саноат

ИККИ ҲАҚИҚАТ САМАРАСИ

яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб турибди. «Зеро, техника кўрсаткичлар бўйича юқори даражада қўлга киритмай туриб жон бозорига чиқиб бўлмайди» дейишда унинг мутахассислари.

Агар шу ўринга корхона ўртача 70 фоиз маҳсулотини чет элга сотаётганини айтишдан бўлса, бу фикр янада ойдинлашади.

Хозир «Ўзбеккабель»да учта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот жондор андозлари даражасида бўлгани учун қўлма-қўл бўлиб кетяпти. Утган йили корхонага Италия ускуналарини кириб келиши маҳсулот сифатини ошириш, электр энергияси сарфини камайтириш билан бирга чиқиндисиз маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини жорий этди.

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқаришларидан бўлган 1-цехни қўздан чиқарди. У бошдан оёқ Америка техникаси билан қурилган. Шундай катта даргоҳда 15 киши ишласада бироқ асосий жараёни бир ишчигина бошқаради. Унинг ҳам қиладиган ишлари электрон программалашган машиналар ишчи қутибди туришдан иборат.

Очиги цехга кирган киши худди ўзини бирон бир металлургия корхонасига кириб қолгандек ҳис этади.

Иссиқлик даражасининг қўлчиллигидан лаққа чўғга айланган йўғон симлар конвейер томон ҳаракатланади. Шу аснода у навбатдаги жараёни бошдан кечиради. Хуллас тайёр маҳсулот ҳолатида галтакка келиб тушгунча «онадан тугма» бўлади. Дастлаб бизни хайратга солган нарса шундай юсак ҳароратли цехда одам қандай ишлар экан, деган савол бўлди. Зиналардан кўтарилиб кабинага кирганимизда бу савол ўз-ўзидан ечимини топди. Чунки кабинага ўрнатилган совутичлар атрофга мўътадил ҳаво пураб инсон танасига ҳузур бағишлаб турибди. Бутун цехдаги асосий жараён эса шу ердан (кабинадан) бошқариб турилади. Рўпарага ўрнатилган телевизор эса бошқарувчини ҳамма нарсадан хабардор этиб туради. Цехнинг қуввати бир йилда 75 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўлчанган. Агар бир тонна кабелнинг умумий баҳоси 2800 доллардан 3,5 минг дол-

ларгача ўлчанадиган бўлса, бу рақамнинг қудрати янада аққол ўз аксини топади.

— Корхонамиз шаҳарда биринчилардан бўлиб, давлат хиссасдорлик жамиятига айланди, — дейди жамият бошқаруви раиси Хусниддин Тожиёв. — Хўш, янги усул бизга нима берди? Ишчи ва хизматчиларнинг мулкка бўлган хиссини ошириди, мулкдорларни шакллантириш билан бирга бошқарув билан шуғулланувчи бўлимлар сонини камайтирди. Хуқуқий шартномалар, молия, ташқи алоқалар, маркетинг бўлимлари қайта ташкил

этилди. Энг муҳими раҳбарнинг яққа ҳокимлигига чек қўйилди. Қолаверса унинг давлат, жамоа олдидagi масъулияти, жавобгарлиги ортди. Жамиятнинг назорат кенгаши раиси, унинг ўринбосари ва кўпчилик аъзолари ўзга ташкилот вакиллари ҳисобланишади.

Швеция ускуналари билан жиҳозланган чинкидларни қайта ишлаш цехининг иши ҳам эътиборга лойиқ. Унинг бошлиғи Салим Аҳмедов бизни ишлаб чиқариш жараёни билан таништирди. Жамиятнинг асосий вазифаси чиқит маҳсулотларига ишлов беришдан иборат, яъни чинкидларга иккинчи умр бахш этишдир. Шунинг учун ҳам корхона меҳнат аҳли уларни ҳақли равишда «техмкорлар» деб аташади. Цехга ўрнатилган техникалар аниқ маромда ишлайди. Уларнинг бошқарувчиси ҳам асосан бир киши. Янги дастхонларнинг ҳосиласини кундан кунга ошиб бораётган экспорт маҳсулотларининг ҳажмидан ҳам билса бўлади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, ҳозирда бу ерда Германиянинг «Сименс» ва Италиянинг «Дан-Ангела» фирмалари билан технология жараёниларга янги тадбирлар киритиш бўйича иш олиб бориляпти.

Бундан уч йил олдин қолқилик даражасига тушиб қолган корхонанинг қисқа муддатда нафақат қаддини тиклабгина қолмади, балки илгорлар даражасига чиқиб олиши янги усул талаблари даражасида ишлаб, цехлар янги техника ва технология билан жиҳозланганлигининг шарофати эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Фикримизнинг тўғрилигини жамият бошқарувининг раиси Хусниддин Тожиёвнинг куйдаги сўзларидан ҳам аққол билиб олиш мумкин.

— Биз ҳақиқатда икки ҳақиқатга амал қиламиз. Улардан бири жамоани тўла ва узлуқсиз иш билан таъминлаб, уларга ойлик маошларини ўз вақтида бериб туриш бўлса, иккинчиси, янги техникани жорий этиб, маҳсулот турини мунтазам янгилаб туриш ва шу йўл билан уларнинг харидорлигини оширишдан иборатдир. Шундай қилинган тақдирда корхона қудрати ўсиб, ишчиларнинг моддий таъминоти ҳам яхшиланаверади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган XI сессиясида мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг эътиқод эркинлиги ҳақидаги нутқи кўпчиликини мунозарасига қолди. Ушбу нутқ юзасидан фикр билдиришларини сўраб Мирзо Улугбек номи Тошкент Давлат университетида бўлди, ўқитувчи ва талабаларга мурожаат қилдик. Куйида уларнинг фикрларини келтирмақдамиз.

Нилуфар ТОШХОНОВА, география факультетининг III курс талабаси; Гафхар ХУДОБЕРГАНОВА, кимё факультетининг III курс талабаси:

— Олий Мажлисининг XI сессиясида эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиз мустақиллиги қўлга киритилиши билан халқимизга қайтган динимизнинг асл моҳиятини айрилар турғи тушунишмади. Натижада ҳижоб ўраганлар, отинлики даъво қилувчилар кўпайиб кетди. Айни вақтда улар бошқаларга ёмон таъсир кўрсата бошладилар. Ўзларига ўхшамаган қиз-жувонларни ёмон отликка чиқаришди. Ахир иймон ташқи кўринишда эмас, балки қалбда бўлиши керак-ку! Кийимини ўзгартириш билан ҳамма ҳам бир дақиқада иймонли бўлавермайди. Ўзига ўхшамагани учун ўзгаларни қоралаш гуноҳ эмасми? Инсон аввал ўзи тўғри бўлиши керак. Баъзи ҳижобга кирган дўғоналаримизнинг диний илмга берилиб кетиб, дунёвий илмни ташлаб юборганларига нима дейсиз? Ахир эртага шифохоналарда, таълим-тарбия масканларида ким меҳнат қилади?

Сафар АБДУНАЗАРОВ, механика ва математика факультети дифференциал тенглалар кафедрасининг мудири:

— Президентимиз Олий Маж-

лис минбаридан туриб сўзлаган нутқ мени қаттиқ ўйлантирди. Мен педагогман. Шу пайтга қадар қанчадан-қанча ёшларни мустақил

ҳаётга қўзатганман. Наҳотки, бугунги кунга келиб бизнинг ёшлар шу қадар ўзгарувчан, биров ур де-индамай кетаверадиган, томондан ташла деса ташлаверадиган бўлиб қолишган? Қизларимизнинг ҳижоб ўраб аслида ўзларини бошқаларга кўз-кўз қилишларини? Хатто бизнинг университетимизда ҳам ҳижобли талабалар пайдо бўлган сабабли бу гапларни айтганман.

Сўнгги вақтларда ваҳхобийликка берилган юртдошларимиз ҳақида эшитдик. Ваҳхобийлик экстремистик оқимнинг бир бўлагидир. Ақли расо бўлган инсон ваҳхобийлик ғояларини қабул қила олмайди. Хали ҳаётнинг оқу қорасини англаб етмаган ёшларни Покистонга олиб кетиб, у ерда ҳарбий тайёргарликка ўргатиш инсофданди? Бу хатти-ҳаракатлар орқасида қандай мақсадлар ётибди? Тинч аҳолининг, тагин ўз юртдошлари, миллатдошларининг қонини тўкиш, биздаги барқарор, осуда ҳаётга таъовуз қилиш эмасми? Ис-

лом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримнинг қайси саҳифасида бундай номаскул ишларга буюрилган? Менимча, ёшларимиз таълим-тарбиясига масъул бўлган ҳар бир инсон бундай ҳолатларга бефарқ бўлмаслиги керак.

Баҳодир ЁКУБОВ, физика факультетининг 5-курс талабаси:

— Мустақиллик туфайли динимиз қайтган, эътиқодимиз тиклангани, диний илмларни эгаллаш, муқаддас Ҳаж зиёратига боришга имкон туғилгани — ҳамма-ҳаммаси яхши,

ўраб, ўзини диндор қилиб кўрса-тиш риёкорлигининг ўзгаси. Чунки ибодатни киши ўзи учун қилади. Ҳижоб ўраган қизларнинг ичидан чин эътиқодли инсонлар йўқ эмас. Лекин улар фақат кўзнинг ўрни очик қолдирилган бу антика ёпинчиқ қайсидир қабиланинг миллий либоси эканлигини билишармикин?

Бизнинг ўзбек либосларимиз Ислам дини қонун-қоидаларига тўла мос келади-ку! Нега ўз миллий либосимизни қиймасдан қайсидир қабилалар ёпинчигига ўралаиб

тушунмовчиликларга аниқ-равшан ойдинлик киритди. Ҳамма гап шундаки, биров фалон иш қилиш керак деса, айрим ёшларимиз шунга эргашиб кетишаверишди. Ахвол шу даражага бориб етдики, ҳатто баъзилар телевизор кўришни ҳам гуноҳга чиқаришди. Бу ёшларимизда дунёқараш етарлиқ шаклланмагани натижасидир.

Мен Туркияда бўлганимда диндор киши — қорини кўрганман. У биз тасаввур қилгандек, салла ўраб, чопон кийган серсоқол киши эмас. Балки замонавий кийинган, маданиятли инсон, ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар соҳибига экан. Менимча, қоним инсон шундай бўлиши керак. Чунки диний таълим билан дунёвий таълим битта манбадан ўсиб чиққан. Бугунги илм кашфиётлари бундан ўн тўрт аср аввал нозил бўлган Қуръони каримда ўз аксини топгани бунга далил бўла олади. Айрим ёшларнинг дунёвий илмни ташлаб, фақат диний илмга берилиб кетганларини қандай изохлаш мумкин. Юртимизда Ислам барқарор бўлган замоналарда дунёга машҳур аҳдодларимиз — Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Фиробий, Фароний, Замаҳшарий, Хоразмий, Умар Хайём, Берунийлар диний илмда соҳиб қудрат бўлиш билан бир қаторда фанни, маданиятимизни юксак қўққиларга олиб чиққанлари яхши аён-ку!

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ
ёзиб олди.

ТАХРИРИЯТДАН: ТошДУ ўқитувчилари ва талабалари мусоҳабасида эътиқод эркинлигининг айрим жиҳатлари тилга олинганлиги тушунарлидир. Шунинг учун таҳририят бу мавзуга халқий кайтади. Ўқувчиларимиздан, айниқса ёшлардан шу масала ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Тадбиркорлик

ҲАЁТДАГИ БАХТ

Яқинда бир қўшимизнинг таваллуд қуни муносабати билан табрикланиш уйига бордик. Тўкин дастурхон атрофига йиғилган аёллар бир-бирларига имлашиб, ўртага қўйилган бири-бирдан чиройли пишириқларни, қандолат маҳсулотларини макташга тушдилар.

— Вой, бунчалар ширин, оғзингизда эрийди-я. Манави тортнинг чиройли безатилганини, гулларини бирам ўхшатибди. Ким пиширди, қўшимхон? Қўлинг дард кўрмагурса жуда моҳир парда қўзмага экан-а?!

— Сўроққа тўтишди уй эгасини.

— Ҳа, бу ширинликларнинг ҳаммасини қизим Феруза пиширди. У яқинда «Машхура» фирмаси қошидаги қандолатчилик курсини тугаллади, — деди қўшимиз мамнун бўлиб.

— Умрингдан барака топгур шу Машхура деган аёл кўп савоб ишни бошладида, — гапга қўшилди бошқа аёл. — Менинг икки қизим ҳам шу фирмага уч ой қатнаб, тикувчиликни ўрганишди. Шунинг учун қурсида ҳам таълим олди. «Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Машхура

нинг ҳунар ўргангани яқинда. Келажакда ўзига фойда.

Чиндан ҳам шахримизда ўз номи билан машҳур «Машхура» фирмасини эшитмаган, билмаган аёл бўлмаса керак. Бугунги кунда ҳамма жойда ишбилармон, тадбиркор аёллар сони ошиб бормоқда. Биз юқорида тилга олган Машхура Юсупова ҳам ана шундай тадбиркорлардан.

Машхура мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ тикувчиликка ҳавас қўйди. Шунинг учун тикши-бичиш тўғрисида катташиб, астойдил тикшишни ўрганди, изланди. Мактабни тугаллаб Тўқимачилик ва энгил саноат институтига кириб ўқишни давом эттирди. Шу билан бирга Зо-битулар уйи қошидаги тикувчилик курсида ҳам таълим олди. «Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Машхура

ҳам тинмай ўз орзуси сари интилиши, кўп ўқиб, кўп излашиши натижасида омади юришиб, ишлари ривож топди. Аввалига ўз фаолиятини 5-сонли маданият уйи, Абдулла Қаҳҳор номи маданият уйларида тикши-бичиш тўғрисидаги дарс беришдан бошлади. Йиллар ўтиб тажрибаси яна ҳам ошиб борди.

— Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очилганини эшитиб, менда ҳам хусусий фирма очиб фикри туғилди, — дейди Машхура. Муаллифлик гувоҳномасини олгач, янгидан дастур тўзиб, бир йилда ўрганадиган қизимиз 3 ойда ўргатишга аҳд қилдим. Машаққатсиз, осонгина муваффақиятга эришиб бўлмас экан. Қанча ҳаракатлардан сўнг ўйлаган режаларим амалга ошиб, 1994 йилдан фирма очиб, ишга тушиб кетдим. Аввалига тикши-бичиш ўрганиш учун ёшлар кела бошлади. Кейинчалик улар сони йилдан йилга ошиб, ўрта ёшли аёллар ҳам қизиқиб қолди қурсимизга. Талаб кучайиб борган, фирмада янги бўлимлар оча

бошладик. Пазандалик, хитой таомлари, қандолатчилик, сартарошлик ва ҳоказолар. Президентимизнинг яқинда «Хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган Фармонлари биз тадбиркорларни яна ҳам рағбатлантириш учун ёшлар кела бошлади. Кейинчалик улар сони йилдан йилга ошиб, ўрта ёшли аёллар ҳам қизиқиб қолди қурсимизга. Талаб кучайиб борган, фирмада янги бўлимлар оча



бошладик. Пазандалик, хитой таомлари, қандолатчилик, сартарошлик ва ҳоказолар.

Президентимизнинг яқинда «Хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган Фармонлари биз тадбиркорларни яна ҳам рағбатлантириш учун ёшлар кела бошлади. Кейинчалик улар сони йилдан йилга ошиб, ўрта ёшли аёллар ҳам қизиқиб қолди қурсимизга. Талаб кучайиб борган, фирмада янги бўлимлар оча

бош-қош раҳбар. Бу ердан ҳозиргача неча минглаб хотин-қизлар уларни ўрганиб чиқдилар. Улар уяни кўнларда турмушда, ўз оилаларида ҳунарларини намойиш қилиб, олқис оломоқдалар. Шунинг алоҳида айтиб ўтиш керакки, бир неча йилдан бери фирма қошида яна бир махсус гуруҳ очилган бўлиб, бу ерда ногиронлар, бева аёллар, ночор оилаларнинг фарзандлари тикши-бичишни бепул ўрганаётдилар. Қўрсатилган бундай ғамхўрлик ва имтиёздан уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилмоқда. Бундай савоб ишни бошлаган Машхурадан улар мамнунлар. Унинг ютуқлари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

— Бу ютуқлар нималардан иборат? — сўраймиз Машхурадан.

— Сўнгги йилларда фирмамиз анча ривожланди. Утган йили «Алпоммиш» спорт саройида бўлиб ўтган кўргазмада 400 та бичимдаги кўргазма билан қатнашдик. Шунингдек, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан «Маҳалла» кўнида тадбиркор аёллар беллашувида ва республика бўйича ўтказилган беллашувида қатнашиб, биринчилиги кўлга киритдик. Ютуқларимиз бўлини эмас, бизнинг асосий ютуқларимиз — ҳозирги кунда турли вилоятлардан ҳам қўллаб-қўллаб ҳунар ўрганиш учун келишмоқда. Шунинг ҳам

айтиб ўтишим керакки, яна бир ютуғимиз — ўтган йили сентябрь ойидан бошлаб Наманган шаҳрида филиалимизни очдик. Ҳозир у ерда 200 ўқувчи таълим оломоқда. Бу йил Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳам филиал очиб ҳаракатимиз.

— Машхура, бундай ютуқларга эришишигизда оилангизнинг ҳам роли катта бўлса керак?

— Ҳа, мен оилада ҳам бахтлиман десам хато қилмайман. Уч ўғлим бор. Турмуш ўртоғим Лазиз Юсупов — шаҳар онкология диспансерида онколог-жарроҳ. Менинг шу даражага етишишда, улкан ютуқларни қўлга киритишда оиламнинг ҳам аҳамияти катта. Ҳаётимдан мамнунман. Чунки ҳаётда одамларга фойданг теғса, ёрдамнинг теғса, сендан ҳамма миннатдор бўлса, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Дилором ИКРОМОВА.

СУРАТЛАРДА: юқорида (чапдан) Барно Каримова, Сабина Солихова, Машхура Юсупова, Солиха Нигматовалар ўзбек миллий либосларини кўргазмага тайёрлашмоқда; пастдаги суратда қандолатчилик бўлими ўқитувчиси Хулқар Мамутова талабаларга торт безаш сирларини ўргатишда.

Рашид Галиев олган суратлар.

«Умид»

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан ҳозирги мамлакатларга юборилган ўзбекистонлик ёшлар муваффақиятли таълим оломоқдалар.

«Умид» жамғармасининг маълумотларига қараганда яқин кўнларда 15 нафар биринчи қалдиғочларни айни кўнларда муддатидан ilgari бақалавар ҳамда магистр унвонларига сазовор бўлиш учун диссертациялар ёклашга киришганлар.

Моҳира КАРИМОВА.

Шаҳримиздаги «Қашкар» маҳалласини ким ҳам эшитмаган дейсиз. У 1968 йилги зилзиладан кейин «Марказ-4», «Марказ-5» мавзела-рига айланди. Сўнг «М-5»га «Матонат», «М-4»га эса ўзининг эски «Қашкар» номи берилди.

Макур маҳаллаларда 2 та турар жойлардан фойдаланиш (ЖЭК) идораси фаолият кўрсатар эди. Ўн беш йиллар илгари бу икки ЖЭК бирлашиб, ЖЭУ-1 ташкил қилинди. Шу даврдан, яъни 80 йилдан бери бу идоранинг қирқдан ортиқ раҳбари ўзгарди. Бош-лиқлар ўзгарган сайин маҳалла ҳусну жамоли ва ободончилиги ёмонлашгандан

ёмонлашиб бораверди.

Боз устига 1986 йилги катта таъмирлаш ишлари юзаси ўтказилди. Уйлардаги ертўраларнинг темир қувурлари, вентил, задвижкалар, хонадонлардаги қувурлар, иситувчи батареялари, шу жумладан ювениш жойларидаги бурағичлар ва шу каби алмаштириш зарур бўлган аниқжолари ўзгартирилмади.

Нихоят 1996 йил охирида ижара корхонасига Наҳмиддин Ортиқов директор қилиб тайинландию ишлар ан-

ди. Шундан кейин таъмирлаш ишларини бошлаб юборди.

Ишчи ва чилангарлар ора-

тида ва сифатли бажариладиган бўлди.

Наврўз байрами арафасида Наҳмиддин Ортиқов ўз

Фидойилар

САВОБ ИШГА БЕЛ БОГЛАГАН

ча жонланди. Корхона турар жойлардан фойдаланиш ва бошқариш бошқармаси деб атала бошланди. Н. Ортиқов ишчи аҳолининг шикоятларини ўрганишдан бошлади. Кейинчалик, ўзи режа ва дастур тўзди. У дастлаб маҳаллада омбор-сарой қур-

сида ўз ишга масъулиятсизлик билан ёндошганлар, спиртли ичимликларга руҳу қўйганларнинг баҳридан кечилди. Ишчи-чилангарлар ва фаррошлар маошлари бир неча баробар кўпайтирилди. Натижада иш қизиган тўс олиб, вазифалар ўз вақ-

фаоллари билан икки маҳалла, айниқса шу «Матонат» маҳалласидаги бог ўрнида пайдо бўлган чакалакзорни катта меҳнатлар эвазига тозалаб, тартибга солиб. Қаровсиз қолган қувурлар таъмирланди.


Кўп қаватли уйлар

жойлашган маҳаллаларда юмушлар, ташвишлар кўп бўлади. Шунинг учун корхона раҳбари фақат байрам арафасида ободончилик тадбирларини ўтказишни қонда қилмай, балки бу тадбирни сурункасига, бир маромда ўтказишга бел боғлади. Ертўралар, ўта сифатсиз ўтказилган таъмирлашдан сўнг кўп ўтмай темир қувурлар чириб, занглаб кетган 80-й ертўласида таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Хонадон дахилзалари, остоналаридаги йиллаб ёнмай ётган чироклар қайта-дан ёритилди. Ертўралар чиқинди сувлардан тозаланди.

Наҳмиддин Ортиқовнинг яна бир савоби ишларидан бири кўп қаватли уйлар хонадонларида ит боқшига чек қўйди.

У ҳақида барчага баробар. Хонадон эгаларидан уйларни маромда таъмир қилишни илтимос қилади ва бу ишни ўз назоратида сақлайди. Ортиқча харажатларга йўл бермайди. Бу йўлда оила манфатларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Саидхамид
ҒАЙПОРОВ,
юридик фанлари
номзоди.



«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ



ноза Йўлдошева; Ҳамза туманидан «Замондош» маданият уйининг вокал-чолғу дастаси аъзоси Абдулла Раҳимжонов ва бошқаларнинг чиқишлари кўпчилики бефарқ қолдирмади.

Кўрик-танлов ҳайъати Шайхонтохур туманилик Илҳом Пармонов («Ўзбекистон диёрим» кўшиги, Олим Қўқорбеков шеъри, Илҳом Пармонов мусикаси)ни қолиб деб топди. Собир Раҳимов туманидан Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусика мактаб-интернати хор жамоаси («Довюрлақлар керак», Пўлат Мўмин шеъри, Аваз Мансуров мусикаси) ҳамда Ҳамза туманилик Абдулла Раҳимжонов («Туроннинг буюк беш боласи», Мухтарама Улуғова шеъри, Алишер Икромов мусикаси)лар иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Учинчи ўрин эса Чилонзор туманидан



Бир воқеа сабаб уларга ҳурматим янада ошди. Қўшиқларнинг бирида «Инобат, сиз «Ойла» эшиттиришини тайёрлайсиз. Бир яхши оила бор. Шулар хонадонига олиб борсам», — дедилар. Ҳошимхўжа ака ҳамда яна бир ҳамкасб дугонам билан йўлга отландик. Аввалига трамвай, сўнг троллейбусга чиқдик... Оппок сочлари ҳурмати ёшлар дархол жой беришар, улар бўлса мени-чи бўлсин, одам бўлса ўтира олмайман.

Пиру бадавлат оила соҳиблари билан суҳбатлашиб қайтаётганимизда: «Ҳошимхўжа ака, нима учун транспортда бизларни ноқулай аҳволга қўйиб жой бердиңиз?», — десак бир воқеани айтиб бердилар:

... Чамаси 5-6 ёшлар эдим. Маҳалламизнинг кекса отахони олдиларидан салом-алиқсиз, югуриб ўтиб кетибман. Шунда ёнларига қагириб, насихат қилдилар. Гаплари ҳали ҳам ёдимда. «Уйдагиларга айт, фалончи ака уришдилар деб», — дедилар. Шу-шу ёнимда хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, одам бўлса ўтира олмайман.

Ҳошимхўжа ака ёшлиқда олган тарбиялари боисми қалблари кенг, меҳри дарё, маданияти юксак инсон.


Аслида Ҳошимхўжа ака 3-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ, радиони севиб қолган эканлар.

Уша кезлари, кейинчалик бир умр радиого боғланиб қолишни хаёлаб олиб, келтирмаган бўлсалар керак. Қаламқашнинг камолотида таниқли ва етук радиожурналистлар Тўлқин Илҳомов, Азиз Ёқубов, Абдуҳаким Даминов, Шоазиз

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

ТУЛҚИНЛАРДА
ЎТТИЗ ЙИЛ

Ҳошимхўжа Сайдалиев. Ўрта бўй, қадлари тик, оппоқ сочлари улуглиқ бағишлаган, юзларидан нур ёғилиб турадиган бу инсонни анча йиллардан бери танийман. Авваллари салом-алиқдан нари ўтмас эди. 1991 йилда «Тошкент» студияси ташкил этилгандан бери улар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, камтар, камсуқум, ёш қарига бир хилда иззату ҳурматда эканликларини кузатдим.



Шоалимовларнинг катта хизматлари бор. Ўтган йиллар давомида шаҳримиз ва вилоятимизнинг қўлаб саноат корхоналари ишчилари, вилоят пахтакорлари, чорвадору боғбонлари, пиллачию, соҳибкорлари ҳаётдан овозли лавҳа ва очерклар тайёрладиларки, уларнинг қўллари радиотингловчилар диққат-эътиборини ўзига тортиди.

«Кечаги шогирд — бугунги ус-

кова, Баҳодир Аҳмедов, Мухайё Муталова, Султонмурод Умаров, Музаффар Гулметовлар Ҳошимхўжа акани фахр билан «устозимиз» дейишди.

Бугунги кунда Ҳошимхўжа ака ўзларининг муборак 60 ёшларини нишонлаётган эканлар, умрларининг қарийб тенг ярмини Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг радио эшиттиришлари бағишладилар. Шу ўтган давр мобайнида

кова, Баҳодир Аҳмедов, Мухайё Муталова, Султонмурод Умаров, Музаффар Гулметовлар Ҳошимхўжа акани фахр билан «устозимиз» дейишди.

чиси ҳам бир киши — хонанданинг ўзи. Шундай қўшиқнинг матнини кўздан кечирганимизда улар шеърят қонун-қоидаларига жавоб бермаслигига гувоҳ бўлдик. Мен шоирлар, бастакорлар, хонандаларнинг баҳамжihat иш-лашларига тарафдорман. Шундагина халқимизнинг маънавий мулкига айланиб кетадиган, оммавийлик касб этадиган қўшиқлар яратилишига ишончим комил.

● Бахтиёр АЛИЕВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Кўпчилик хонандалар замонавий электр чолғу асбобларини афзал кўрадилар. Бунинг ёмон томони йўқ. Лекин миллийликни ҳам унутмайлик. Шундай чолғу асбобларимиз борки, улар ҳар қандай замонавий чолғулар билан беллаша олади. Келгусида кўрик-танлов қатнашчилари бунга жиддий эътибор берсалар яхши бўларди.

● Муассар РАЗЗОКОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Кўрик-танловда ҳамма жанрда — хор ҳам, эстрада ҳам, мумтоз қўшиқлар услубида ҳам ижро этилди. Назаримда келгусида кўрик-танловни жанрларга бўлиб эшитиш мақсадга мувофиққа ўхшайди. Мени сал ранжитганлиги — бу қатнашчиларнинг янги қўшиқларга, яхши қўшиқларга чанқоқ эътибори бўлди. Бунинг аввало туманларда бўлиб ўтган танловларда бартараф этиш зарур эди. Сўнгра либос ҳақида ҳам жиддий ўйлаш зарур. Қўшиқ байрами — либос ҳам байрамона бўлсин!

● Илҳом ПАРМОНОВ, кўрик-танлов қолиби:

— Камтарингина ижодим шунчалик юксак баҳоланишини, очиги, кутмаган эдим. Энди бундан ҳам яхши қўшиқлар яратишим кераклигини ҳис қилиб турибман...

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали театрини тарк этаётганлар орасида «Анави ижрочи яхши, манависи бундайроқ» дегувчилар ҳам бўлди. Энг муҳими 13-14 май — икки кун давомида муҳташам санъат даргоҳида ҳозир бўлганлар кетган вақтларига ачинмадилар. Демак, кўрик-танлов уларда яхши таассурот қолдирибди.

Биз ҳам ҳар йили шундай бўлишини тилаб қоламиз.

Темур УБАЙДУЛЛО. СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик танловининг Тошкент шаҳар бўйича якуний босқичидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

радио мазмун ва жанр жиҳатида бойиди, шакл жиҳатида ранг-баранглик касб этди. Бунда камтар ва ҳокисор радиожурналист Ҳошимхўжа Сайдалиевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳа, эфирга узатилаётган қўлаб эшиттиришлар замирида Ҳошимхўжа аканинг заҳматлари ётади. «Тошкент» студиясининг тўғридан-тўғри ҳаво тўлқинларига тараладиган очик мулоқот эшиттиришларининг аксариятида Ҳошимхўжа ака хизмат жойларида бўлади, радиотингловчиларни мулоқотчилар билан боғлаб туради.

Мухтарам муштарий, «Оқшом» газетасининг ушбу сонини ўқиб бўлган, радио мурватини бура-нг. Шунда «Тошкент» студиясининг эшиттиришлари бевосита ҳаво мавжларига таралаётган бўлади. Демак, Ҳошимхўжа Сайдалиев ҳозир муҳим ва масъулиятли иш билан банд.

Биз ҳамкасблари Ўзбекистон телерадиокорпорацияси «Тошкент» студиясининг кекса журналисти, оилада ҳамда ҳамкасблари орасида обрў-эътиборга сазовор Ҳошимхўжа Сайдалиевнинг муборак ёшлари билан қўлайимиз ва «Умр йўлдошлариз Мамлакат опа ҳамда ўғил-қизлару набираларингиз бахтига соғ-омон бўлинг», деймиз.

Инобат УСМОНОВА, Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг «Тошкент» студияси муҳаррири катта муҳаррири.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Одил Ёқубов — 70 ёшда

ЁРУҒ
ИСТЕЪДОД
СОҲИБИ

Адабиётни улуг алломалар «Ҳиссиёт математикаси» деб бекор айтмаганлар. Адабиётнинг қайси жанри бўлмасин, аввало фикр гўзал бўлиши, қаламқаш ишлатаётган ранг ва бўёқлар аниқ бўлиши шартлиги билан бир қаторда ҳис ҳам, ҳолат ҳам, кайфият ҳам меъёр ва мантик қонунига бўйсундирилиши керак. Танлаб олинган қаҳрамон, унинг шу топдаги муҳити ва мақсади аниқ бўлганидек унга юкланаётган вазифа, юк ҳам у кўтара оладиган тарзда бўлмаса меъёр ва мантик бузилади.



Баъзи ўрта ҳол ёзувчилар тасвир, ҳолат, кайфият, шу топдаги қаҳрамон вазифаси ва ёзувчи у нега кераклиги ҳақида ўйлашни унутиб, қаҳрамонни ўз ҳолига қўймай мақтаб кетадилар. Кейинроқ бориб «Мен севган қаҳрамонимни нега китобхон севмаслиги керак?» деб, даъво ҳам қила бошлайдилар. Тўғри, ёзувчи ё ўта севган ё ўта ёмон кўрган одамни қаламга олиши мумкин. Лекин ўз қаҳрамонини ўз ҳолига қўйиши, ўзини ишлатиши, ўзини гапиртириши зарур, чунки у тушиб қолган ҳолатдан ўзи қутулиб чиқиши керак-да!

Адабиётта мантик ва меъёр тарозуси билан ўлчаб қарайдиган бўлсак, ўзбек адабиётининг XX аср маҳсули ҳам талай яхши, мароқли асарларни берди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Гафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиоров, Одил Ёқубов сингариларнинг кўркем ижоди бунга мисол бўла олади.

Шу кўркем ижодкорлар сафида Одил Ёқубовни бугун алоҳида тилга олгим келади. Бу заҳматқаш ёзувчининг аксарият асарини қўлёзмада ўқиш насиб бўлган. Ҳикоя, қисса, романлари, пьесалари қатор-қатор. Бир ўқувчи сифатида у яратган ҳамма асарини севиб, ҳаяжонланиб ўқирдим. Япон урушида қатнашмоқ учун минг-минг чакрим йўлни пиёда босиб ўтган қадрдон бу кишининг ҳаётни билишига, одамни танишига беш кетсам-да, русча ўқигани боис шундай тасвир, ибора утиб кетмадимкин, қаҳрамонини ортиқча севиб қўйиб, наби-расидек эркалаб қўйсамки, деб чўчиб ҳам қўярдим, чунки шўро ҳокимияти даврида адабиёт ҳам большевикларнинг ногирон сёвсатига мажбуран ишлатишга унда-лар эди. Одил аканинг кўпчилиқ асари бундай кундалик юзакликдан ҳоли эди. Катта истеъдод имконияти кичик йўللарда биқиниб юришга имкон бермасди. Аммо бир-икки арзимас қалғишлар (булар давр

талаби касалидан юққан) ғоятда изсиз, камдан-кам эди. Мисол учун Нормурод ота бразилидаги ҳаддан зиёд тўғрилиқ интилиши ҳамон сингиролмай юрарман.

Йиллар давомидаги изланишлар, хусусан Абдулла Қодирий ва Лев Толстойга чексиз муҳаббат ва шогирдлик туйғуси уни тобора юксалтира борди. Аллоҳ ато этган кўркем иқтидор Одил акани улуг инсон Улуғбек сиймосига рубаруб қилди. Рубаруб қилганда ҳам Улуғбек унга обдон чарчаган, ҳаёт унинг обдон тинқисини қўриган муҳитда уч-ратди.

«Улуғбек хазинаси»нинг ҳамма фазилатларини шу чарчоқ кайфияти биллаштириб, романда ажиб бир ҳолат пайдо бўлади ва у сизни сўнгги бетгача сеҳрлаб ушлаб туради. Лекин бирор жойда Одил Ёқубов Улуғбек чарчаган, кексайган, Ҳаж сафари қилдиган кунга етган деб оғиз очмайди. Унинг олимлиги, давлат арбоби, маърифатпарвар, одил шох экани, унинг даврида нисбатан тинчлик ва оқсоқиллик ҳукм сургани ҳақида ҳеч нарса демайди. Биз уни романдаги кайфиятдан англаб оламиз. Одил Ёқубов кўп қиррали. Улуғбекдан фақат ўзига шу асарда керак нарсани олади ҳолос ва унун бетараф бўлиб қўрсатади. Ана шунинг учун ҳам катта ёзувчи, аллома ёзувчи даражасига кўтарилади. Бу асарда у фақат ўзбек бўлиб, фақат ўзбек тилидагина гап-лаша оладиган бўлиб дунёга гапни айта олган. Шунинг учун ҳам у юқорида санаганимиз ноиб истеъдод соҳиблари қаторидан ўз муносиб ўрнини мустаҳкам ва бетакрор эгаллади.

Йиллар давомида ёнма-ён юриб айтолмайроқ юрган меҳримни мен ҳам бу ҳурматли инсонга таваллуд топан кунининг муборак етмиш йиллиги кунда айта олган бўлсам демак ниятимга етибман.

САЙЕР.

Ичкиликнинг шахсга, инсониятга келтираётган зарари яхши маълум. Бунинг оқибатида асабларнинг ишдан чиқиши, ахлоқнинг бузилиши, ироданинг синиши, иймон-инсофнинг йўқ бўлиши, оиланинг барбод бўлиши, майиб-мажруҳ зурриётларнинг тугилиши ва уларнинг азоб чиқишлари қабилаҳи қўлаб келтириш мумкин.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр бир танишим ёдимга тушди. «Оқшом» саҳифасида эълон қилинган «Аёл қўлидаги қадах» мақоласини ўқигач. Азиз муштарий, келинг, яхшиси бўлган воқеани бор ҳолича эътиборингизга ҳавола қила қолай, нима демоқчи эканлигини ўзингиз биласиз ва ҳукм чиқарасиз.

Уша менга таниш аёлнинг эри бир обрўли курсининг эгаси. Бироқ у арок ва шу каби зормандани истеъмоқ қилмасди. Рафқаси аксинча, арок ичмаса туролмасди. Бир неча бор у билан суҳбатлашганга қилган ҳаракатларим зое кетди. Чунки, унинг хушёр ҳолатини учратганим қийин бўлди. Бир кун ишга кетишдан аввалроқ уйига бордим. 18 ёшлардаги суқургина қиз эшмекчи эди.

— Онамнинг ҳозир келадилар, дўконга чиқиб кетдилар, — деди.

Қиз ўзини Суманбар деб таништирди. Унинг кўзлари қизарган, мўжонлари намлигидан йўғлаганигини пайқаб қийин эмасди. «Опажон, — деди у менга аллақандай илтижо оҳангиде, — сизга икки оғиз гапим бор эди. Онам келиб қолмасларидан гапириб олай, йўқса...» Қизнинг гап-гин кўзларида яна ёш айланди. Гапирол қиз, дедим уни бағримга босиб. Ўш кўли жонсиз, муздек туюлди. Ўзим сезмаган ҳолда сесканиб кетдим.

— Сиз ҳақингизда кўп эшитганман, дадам ҳам онамга сизни мисол қилиб кўп гапирдилар. Уйингизга бормоқчи бўлиб юрдимин. Бизга ёрдам беринг, онам зора сизнинг айтганларингизга қўлоқ оссалар. Мана кўриб турибсиз (у қўлига ишора қилди) қўлим ишламайди. Қўзим ҳам хира кўради. Ичкиликнинг оқибати. Айтишларича, ҳомилдорлик пайтларида ҳам ичмисини ташламаган эканлар. Ҳаттоки, ногиронлигим шунинг асорати эканини айтишганда ҳам ундан воз

Акс садо

СУМАНБАРНИНГ
ХАСТА ҚАЛБИ

«Аёл қўлидаги қадах» мақоласини ўқиб

лан онасини ҳақорат қиялти деб ўйламанг.

Суманбарнинг томоғига нимадир тикилгандек, кўзларини катта очдида овозининг борица йўғлади.

— Опажон, менга йўл қўрсатинг, ахир уйимиздан арок аримайди-ку?

Суманбар яна нимадир де-моқчи эди, дебелмади. Онаси кириб қолди. У мен билан шоша-пиша саломлашди-ю, арок қопқоғини очини қиришди. Қўлидан шишани олиб қўйдим.

— Хушёрлигингизда суҳбатлашай деб эртароқ келгандим, — дедим. У уялди-ми, ҳайтовур бир оз жим қолди-да сўнг:

— Ҳа, Суманни (у қизини шундай деяётганди) ҳимоя қилиб келдингизми? Ёилганини қилсин, ўзини зулматга солишни хоҳлабдими, билганини қилсин! — деди.

— Суманбар тўри қилибди. Зора, парвардигор сизни ҳам ҳидоятга бошласа, қалб-бингизни иймон нури билан нурлантурса.

— Эй... қайдам, энди бу қийин. Райкомда ишлаган пайтлардан мерос бўлиб қолган. Ичмасам ҳурматсизлик-ка йўйишди. Қарабсизки... усиз туролмайдиган бўлиб қолдим...

— У менга чой узатаётиб, қўли қалтираб бошлади. Иккинчи бор чой узатаётиб, пийла қўлидан туйиб кетди. Ранги кув ўчди.

— Энди қидолмайман, беринг ишгани, — деди у она-сидан ширинлик сўраётган боладек ялчочқлик билан, — энди кеч, илгари эрмак деб ичсам, энди дардимга даво бўлиши учун ичаман, ичмасам миям ҳам ишла-майди, оёқ-қўлим ҳам қалтирай бошлайди...

Билмадим, тўғри қилдим-ми, йўқми ўрнимдан туриб чиқиб кетдим. Ҳаёлимда ўқиганим — Абу Довуд келтирган бир ривоят чарх ура-верди: Расулulloҳ шундай марҳамат қилганлар: «Аллоҳ таоло касаллик билан бирга унинг давосини ҳам тўширди. Ҳар касалликка бир даво яратди. Даволанинг, аммо харом билан даволан-манг».

Орадан бир неча кунлар ўтган ҳам Суманбар ва уни-нг онаси билан бўлган суҳ-батим ҳаёлимдан кетаверма-ди. Кейин эса ўзим билан ўзим бўлиб, унга бош-лабман.

Ўқинди Суманбарни кўри-б қолдим. Онаси оламдан ўтибди. Ёстиги остидан эса икки энлик хат қичқиди:

«Аёлларга васиятим: ичкиликни қиларган кимсалар-ни сўнгги нафасингизга лаънатладим! Азиз ва мўътабар қиз-жувонлар! Зинҳор ва зинҳор ичкилик-ка ошуфта бўлманг! У шиша ичиди жимгина, мўлтайиб турган билан, ичингизга тушган ўз ишини бошлади. У сизни ҳам сондан, ҳам сиф-дандан чиқаради. Икки дунёнингиздан ҳам маҳрум қилади. Энг азиз кишилар-нингиздан тириклайин айи-ради. Ўзингизнинг шарм-ҳаё пардасини юлиб олади. Сиз унинг ўткинчи ҳисларига берилманг! Кайф-сафосига уч-манг! Ўзингизни, аёлиқ гу-рурингизни, иззат-ҳурматингизни асраңг».

Биз Суманбар билан узок суҳбатлашдик, дардлашдик. Бироқ мен ҳам оҳизаман, онанинг Аллоҳ берган азиз неъмат — ақлини ишлатмай, қилган ҳаракатлари оқибати бўлган Суманбарнинг хаста қалбига Яратганнинг ўзидан сабр ва нажот сўрайман.

Шу ўринда сиз, азизлар-ни баҳсга чорламайман. Суманбарнинг ногирон бў-либ қолишига, бутун умр ар-мон билан, азобонинг яша-шига онасининг айтганидек, фақат ароқни ишлаб чиқар-ганлар айбдорми?

Насиба ҲОЖИМУРОД қизи.

«Швакич панорама» ижтимоий тадқиқотлар институтини ўтказган сўраб-билишнинг кўрсатишича, исроилликлар ўз бўш вақтларини гоёт камтарона, вазмин ва бир хил ўтказар эканлар. Ўртача исроиллик автомобилларнинг эски моделларини тўпламайди, осмонда дельтапланда парвоз қилмайди, унинг хотини эса куш сутини излаб дунё бўйлаб сайхатга отланмайди. Умуман бўш вақт телевизор, футбол ва ўқишдан иборатдир.

— Шунга ўхшаш ҳар қандай социологик тадқиқот муқаррар равишда манзарани соддалаштириб, биринчи ўринга фақат ўртача кўрсаткични чиқаради, — дейди психолог Рор Харрари. — Агар бу сўраб-билиш инглизлар ўртасида ўтказилганда натижалар бошқача бўларди.

Бир ҳафта давомида умумий бўш вақт 16 соатни, яъни ҳар куни икки соатдан сал кўпроқни ташкил этади. Сўров ўтказилганлардан учдан икки қисми уларда севган машғулоти борлигини айтишган. Гап кўпроқ спортнинг хилма хил турлари ҳақида боради. Иккинчи ўринда китобларни ўқиш туради. Шундан кейин санъат билан шуғулланиш боради.

— Қизиқишлар соҳасида, — деб таъкидлайди Харрари, — аста-секин дам олишнинг тобора пасив шаклларига ўтиш жараёни кузатилмоқда. Бунда телевизор гоёт салмоқли омил ҳисобланади. Фаол дам олишга қизиқиш аста-секин пасаяди. Кўпчилик телевизор, газеталарни варақлаш, кабоб тайёрлаш билан қаноатланиб қолади.

Хорржа

БЎШ ВАҚТ ВА ҚИЗИҚИШЛАР

Хўш, исроилликлар бўш вақтларини қандай тўлдиришади? Биринчи ўринда (33,7 фоиз) — телевизор, кейинги ўринда китоб ўқиш (21,2 фоиз), радио — атиги 6,5 фоиз ва няхот, спорт билан шуғулланиш — 6,4 фоиз. Ҳар икки жинсдаги аксарият исроилликлар ҳамма нарсанинг ўрнига диванда кулай жойлашиб олиб теледастурларни томоша қилиш ёки китоб ўқиш каби пасив машғулотларга берилишни афзал биладилар. Эракларда учинчи ўринда спорт, аёлларда эса радио туради.

Шуниси қизиқарлики, кўпгина саволга жавоб қайтарганлар шунчаки дам олиш ва ўз қизиқишларига бағишлайдиган вақтни аниқ фарқлайдилар. Ҳар қалай гап хобби ҳақида кетганда, афзалликларни тақсимлаш кескин ўзгаради. Масалан, телевизор томоша қилиш жуда озчиликда хобби тоифасига киради.

— Хобби сифатида идрок этиладиган машғулот бўш вақт тушунчасига кирмайди, — дейди Хайфа университети социология ва антропология кафедрасининг ходимаси, профессор Веред Краус.

Аниқлинишича, сўраб-билишларнинг учдан икки қисмида соф (65,9 фоиз) тарздаги дам олишдан ташқари ўз қизиқишлари мавжуд. Бундан ташқари 84,4 фоиз кишилар ўз хоббиларига ҳафта-сига 4 соатдан 14 соатгача бағишлашларини таъкидладилар. Ваҳоланки, юқорида таъкидланганидек, бундай миқдордаги бўш вақтлар сўраб-билишларнинг фақат 56,6 фоизда мавжуд, айна пайтда бу вақтнинг катта қисми хоббига эмас, телевизорга бағишланади. Хўш, бу нимани билдиради? Одамлар ўз қизиқишларига иш жойида бериладиларми? Бу мажбурий эмас, ваҳоланки бундай ҳоллар ҳам бўлади.

Сўраб-билиш мувофиқ, эракларнинг 16,5 фоизи ва аёлларнинг атиги 9 фоизи ўз хоббиларига ҳафтасига 20 соатдан кўпроқ вақт сарфлайди. Краус бу маълумотларни қуйидагича шарҳлайди:

— Афтидан эраклар ўзлари учун хобби тушунчасини аниқроқ белгилайдилар, уларнинг бунга нисбатан муносабатлари аёлларникига нисбатан анча жиддийроқ, шунинг учун эраклар хоббига сарфланган вақтни бўш вақт деб ҳисобламайдилар.

37,5 фоиз кишилар учун сеvimли машғулоти сарфланган вақт асосийлашсини йўқотиш учун ажойиб имкониятдир. Футбол майдонидаги тўпни тепганда, бир кунда тўпланган бутун нафратининг сарфлайсан, мўйқалам билан расм чицаётганда кўз олдинда банка бўлган қарзингни эмас, туғилган шакллар ва рангларни кўрасан. Одамларнинг бешдан бир қисми ўз ишқибозликларига ҳузур-ҳаловат олиш учун берилади, 13 фоизи ҳаёт ташвишларини бироз унуттиш учун шундай қилади.

Исроилликлар ўртасида энг машҳур бўлган ишқибозликлар нималардан иборат? Уларнинг 31 фоизи спорт билан шуғулланишни, 17 фоизи китоб ўқишни, 15 фоизи санъатни, 7 фоизи табиат кўйига чиқиб дам олишни, 7 фоизи музикани ана шундай машғулот деб айтишди. Бўш вақтларида эраклар ва аёллар афзаллик берадиган машғулотлар ўртасидаги фарқ кўзга ташланади. Эракларнинг 41 фоизи биринчи ўринда спортнинг ҳар хил турларини айтишади, иккинчи ўринда китоблар ва музика туради — 9 фоиз. Аёлларда энг машҳур машғулоти китоб ўқиш (24 фоиз), иккинчи ўринда санъатнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш (22 фоиз), шундан кейин спорт (20 фоиз) туради.



«Ўткан кунлар»ни ўқимаган. Отабекка ҳамдард бўлмаган. Кумушбинини севмаган ким бор?! Юртимизда бундайлар йўқдир... Шу боис романининг экран шаклини кутганлар ҳам кўп бўлди. Киноматошага Абдулла Қодирий таърифлаган воқеалар муҳаббат, у овоз, музика билан бойитилиб бўлганидан хабар топган китобхонани томошабинлар Киночилар уйига шошилдилар. Ўша кун икки серияли бадиий фильм илк бор кўрсатилганида икки залга Қодирий муҳлисари, кино шинавандаларини сиздириб бўлмади. Уч соат тик туриб қаҳрамонларнинг кучли севгиси, юрак изтироблари, юксак ҳис-туйғуларнинг экранидаги ифодасини кузатиб борганлар кўп бўлди...

Кино

«ЎТКАН КУНЛАР» ЗИЙНАТИ

Бу гал эса Мирзо Улуғбек номи Тошкент Давлат университетининг маданият саройига кино шинавандалари — таъриф буордилар, янги томоша ҳақида атрофлича фикр юритилди, муҳими фильмни талабалар ўз устозлари билан томоша қилишди. Биз ҳам дўғоналаримиз билан асарни кўриб завқ олдик, маънавий озик олдик. Баъзан кўзимиздан чиқаётган ёшни тейламадик, айрим эпизодларни кўриб ширин кайфиятга берилдик, севги-содқат, бурч ҳақида фикр юритишга ўзимизда эҳтиж сездик.

Кўриқдан сўнг ижодкорларга мурожаат этган университет ректори, академик Тўрабек Долимов самимий миннатдорчилик сўзларини айтганини, айрим мулоҳазалари билан ўртоқлашганини, профессор Умарали Норматов эса «Янги фильм Абдулла Қодирий романининг буюклигини яна бир бор кўрсатди... Мэлис Абзалов бошчилигида ижод этган гуруҳ китобдаги ижтимоий мавзунини четлаб ўтмагани менга маъқул бўлди. Фильмнинг олдинги — 1968 йилдаги вариантида бу мавзуга етарли аҳамият берилмаган эди...» деб кўпчиликлда тугилган саволга жавоб бергандек бўлди. Ваҳоланки «Романи яна экранлаштиришга ҳожат бормиди?» деган саволларни эшитган, таажубланган кишиларни кўрган эдик-да...

Фильмни яратиш жараёни ҳақида Мэлис Абзалов ва Хотам Файзиёвлар сўзладилар. Бехозод Муҳаммадқаримов Отабек ролини уйнаганидан ўзини бахтиёр ҳис этиб, тўқчиланиб қаҳрамон ҳолатига кириш қанчалик завқли, шу билан бирга мураккаб бўлганини ҳаяжон билан гапирди.

Ўша дамларда «Ўткан кунлар»нинг янги фазилатларини очгандек бўлди, асар зийнати ҳақида ўйладик.

Камола АЗИМХУЖАЕВА,
ТошДУ журналистика
факультети III курс
талабаси.

ИРИМ ОҒА

(Ҳажвия)

Онайгул эри Ақалок кўп санғиб юрмасдан ишга жойлашганида «худога шукр» деганди. Демаганда-чи: квартирага пул тўланмаган, устига устак киши қилишни судраб келиб қолди — ўтин керак, кўмир керак. Ўзига ҳам ёш боласи билан ўтирганига анча бўлган. Хайтовур, ишлари юришиб хизмат топилиб, умид шами ёқилди.

... Онайгул Ақалокнинг ишлаганига роса бир ой бўлганда, худога шукр деб олар ойлмига олдиндан кафтларини ишқалади.

Ойлик оладиган кун Онайгул Ақалокнинг кечиканидан хавотир ола бошлади. Бекорга кўрқмаган экан. Ақалок ёқаси яйлов, кўзи «ғилай», оғзидан ароқ хиди бурқираб ярим кечада уйга кириб келди. Ойлик бўлса топилар, эр керак, соғ-саломат уйини топиб келганига шукр қилиб, ечинтириб ётқизди.

Эртасига Ақалокнинг кўзи билан ер чизиб мянқиланиб айтган икки-уч оғиз сўзи бундай бўлди:

— Ойликни олиб, ҳаёлимда ҳеч нима йўқ жойимда ўтирган эдим, Ирим оға чакирди. Бордим. Ирим оға қошида бўлим мудирлари ўтиришибди. Гапнинг қисқаси Ирим оға алланарсалар айтиб, келажакимни таърифлаб, хуллас сўзининг сўнгиди: «Бола, мана биринчи ойликни ҳам олдинг, мана бу ўтирган оғаларинга иримини қил, дуосини ол, насихатларига қўлоқ сол...» дегандан сўнг... иримини қилдим.

Онайгул бироз хаваб, тушлик овқатга ақчасини бериб, эрини ишга кузатиб қўйди. Эндиги умиди яқинда оладиган қалам ҳақисидан. Орзиқиб кутган кун ҳам келди. Шу кун ҳам Ақалок худди ўша кунгидан баттар уйга кириб келди...

Ҳар ҳолда ор-номуси бор йигит эмасми, келинчагига билдирмасдан нариги уйга кириб ётибди. Саҳарда қорасини ўчирибди. Бир варақ қозғони қоралаб, шундай дебди:

Анжуманлар

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИПАСИЗМИ, СИНГИЛ?

Сергеи туманида ўтказилган тадбир «Оила» ҳуқуқий муҳофаза қилиш мавзусига бағишланди. Унда ўттиздан ортиқ маҳаллалардан фаол хотин-қизлар, ФХД бўлимлари ходимлари, судьялар, турил жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда оилалардаги ҳуқуқий тарбиянинг аҳоли, эр ва хотин ҳуқуқлари ҳамда уларнинг оила оқдидаги масъулиятлари тўғрисида тўхталиб ўтишди.

— Оила муқаддаслигини сақлаш учун аввало аёл, яъни она ўз ҳуқуқини билиши керак, — деди туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Орипова. — Оилада эр ва хотинлик бурчидан ташқари уларнинг ҳуқуқлари ҳам борлигини афсуски, ҳамма ҳам билвермайди. Бунинг оқибатида эса улар идорама-идора юриб ўз ҳуқуқларини қонуний ҳал қилолмасликлари ҳам мумкин.

Маълумки, оилада аёлларнинг ўзига хос тарбиявий ўрни бор. Уларнинг бу борада ўз ҳуқуқларини билиши эса оиладаги фарзандларнинг келгусида яхши кишилар бўлиб ўсишида катта аҳамиятга эгадир.

Тухфанисо ОРТИҚОВА.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

Юнусобод туманидаги 96-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Азимбоева мана кўп йилдирки, болажонларимизга ҳарф танитиб, уларнинг саводини чиқариш билан шуғулланиб келади. Ҳозир муаллиманинг кўплаб шогирдлари ўз устози касбини танлаб шу соҳада ишлаб келишмоқда. Раъно опа ўзининг ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочи-си», «Ўқитувчи-услубчи», «Ихтирочи ўқитувчи» каби фахрли унвонларга лойиқ топилган.

СУРАТДА: Раъно Азимбоева ўқувчиларга янги дарсни тушунтирмоқда.

Рустам Шарипов
олган сурат.

Б. САДИР

ОЛДИНГИЗДА ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ ТУРИБДИМИ?

Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. Мирзо Улуғбек тумани «Меҳнат биржаси» 21 май соат 9.00 дан 15.00 гача бўш иш жойлари ЯРМАРКАСИНИ ўтказди.

Сиз шахримиздаги истаган корхона, ташкилотлардаги мавжуд вакант ўринлари эгаси бўлишингиз мумкин. Шунингдек, янги соҳанинг эгаси бўлишни хоҳласангиз қайта ўқитишга ҳам йўлланма оласиз.

Ярмарка «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятининг маданият саройида ўтказилади. Автобуслар: 1, 16, 24, 101, 105, 127. Метронинг «М. Горький» бекатидан. Трамвайлар: 6, 13.

«Тошкент трактор заводи» ДХЖ бекати.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ Тошкент авиация касб-хунар лицейи қуйидаги ихтисослар бўйича 1998—99 ўқув йилига ўқувчилар қабул қилади:

9-синфни битирганлар учун: ўқиш муддати 3 йил.

— Авиация техникасини йиғувчи чилангарлар.
— Металларга ишлов берувчи дастгоҳларнинг дастгоҳчилари.

— Электрпайвандчи.
— Электр асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича электр-чилангарлар.

— Механика-йиғув ишлари бўйича чилангар.
— Электрон-ҳисоблаш машина операторлари—ҳисобчилар.

— Кенг соҳали тикувчилар — тадбиркорлар.
— Рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар операторлари.

Битирувчиларга тўлиқ ўрта маълумот ва касб олганлари ҳақида диплом берилади.

11-синфни битирганлар учун: ўқиш муддати 6 ой.

— Йиғувчи парчинловчи.
— Сантехника ишлари бўйича чилангар-газпайвандчи.

Битирувчиларга касб-хунар олганликлари ҳақида шаходатнома ёки диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга тўлиқ ўрта маълумот ва касб олганликлари ҳақида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 1375 — 1717 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50% тўланади. Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, бошқа шаҳарлардан келган йигитлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:

1. Раҳбар номига ариза.
2. 9-синфни тамомлагани ҳақида ҳужжат.
3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (кўчирма).
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. Ота-онасининг ишхонасидан маълумотнома.
6. Фото сурат 3х4 — 6 дона.
7. 086 У формадаги «тиббий маълумотнома».
8. Ҳарбий ҳужжат ёки рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома.

Ўқув машғулоти 1 сентябрда бошланади.

Бизнинг манзил: 700207, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 331-уй. Автобуслар: 30, 119, 110, 44, 106. Трамвай: 6, 29.
«С. И. Кадиев» номи авиация касб-хунар лицейи бекати. Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Бешёғоч бозори» худудида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи фуқаролардан жой ҳақи паттаси ундирилмайди. «БЕШЁҒОЧ» БОЗОРИДА САВДО-СОТИҚ ҚИЛИШГА МАРҲАМАТ!

Бозор маъмурияти.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА! 1998 йилнинг 7 майидан

очик турдаги «Тошкент shahar telefon tarmoqi» хиссдорлик жамияти «ИШОН» кирик корхонаси билан биргаликда «Қўлиқ — Айланма» даҳасидаги 1-ўйдан 10-ўйгача манзилда истикомат қилувчи аҳоли учун 195-АТС телефонларини ўрнатмоқда.

Мурожаат учун манзил: «Қўлиқ — Айланма» даҳаси, Почтабт биносининг 2-қавати (мўлжал — маҳалла қўмитаси).

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тоштаъмирқурилиш» акциядорлик жамиятининг бош директори О. Х. Асқарова отаси

Ҳожи ота АСҚАРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ХОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба
ва ҳафта
кўнлари чиқади.
Ҳафт кўрсаткичи
209

Нашрни етказиб бериш
масаладари бўйича турар
жойлардаги почта
бухмаларига ёки «Тош-
кент» почтасига 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.